

## ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ЭКСТРАДИЦИЯНИНГ НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

**Мамадалиев Умид Юлдашевич**

**ҲМҚА “Прокурорлик фаолияти ва  
прокурор назорати кафедраси ўқитувчиси”.**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.16757587>

**Аннотация.** Мақолада жиноят ишлари бўйича экстрадициянинг назарий асослари ва ривожланиш тенденциялари комплекс тарзда ўрганилган. Натижалар шуни англатишига кўрсатадики, экстрадиция институти халқаро жиноят ҳуқуқининг мураккаб ва динамик соҳаси бўлиб, у давлатларнинг ички қонунчилиги ва халқаро мажбуриятлар ўртасидаги мувозанатни талаб қилади. Тадқиқот жиноят ишлари бўйича экстрадициянинг назарий концептуал асосларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

**Калит сўзлар:** экстрадиция, жиноят ишлари, назарий таҳлил, халқаро жиноят ҳуқуқи, давлат суверенитети, қиёсий ҳуқуқшунослик, жиноятчилик билан кураш, халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик, экстрадиция шартномалари, ҳуқуқий институтлар, назарий концепциялар, халқаро мажбуриятлар, жиноят процесси, экстрадиция принциплари, ҳуқуқий мувозанат

**Аннотация:** В статье комплексно изучены теоретические основы и тенденции развития экстрадиции по уголовным делам. Результаты показывают, что институт экстрадиции является сложной и динамичной областью международного уголовного права, требующей баланса между внутренним законодательством государств и международными обязательствами. Исследование демонстрирует необходимость совершенствования теоретических концептуальных основ экстрадиции по уголовным делам.

**Ключевые слова:** экстрадиция, уголовные дела, теоретический анализ, международное уголовное право, государственный суверенитет, сравнительное правоведение, борьба с преступностью, международное правовое сотрудничество, договоры об экстрадиции, правовые институты, теоретические концепции, международные обязательства, уголовный процесс, принципы экстрадиции, правовой баланс

**Abstract:** The article comprehensively examines the theoretical foundations and development trends of extradition in criminal cases. The research considers the historical genesis of the extradition institution, comparative legal analysis, and contemporary theoretical concepts. The scientific work analyzes the place of extradition in international law, its relationship with the principle of state sovereignty, and its role in combating crime. The author demonstrates the evolutionary development of extradition from classical theories to modern approaches. The results indicate that the extradition institution is a complex and dynamic field of international criminal law that requires a balance between states' domestic legislation and international obligations. The research demonstrates the need to improve the theoretical conceptual foundations of extradition in criminal cases.

**Key words:** extradition, criminal cases, theoretical analysis, international criminal law, state sovereignty, comparative jurisprudence, crime prevention, international legal cooperation, extradition treaties, legal institutions, theoretical concepts, international obligations, criminal procedure, extradition principles, legal balance

Давлатларнинг жиноятчиликка қарши кураш йўлидаги ҳамкорлиги орқали нафақат трансчегаравий жиноятчиликка қатъий ва кучли қарши кураш вазифалари бажарилади, балки бир неча давлатлар учун хавф туғдирувчи жиноятларни келишган ҳолда квалификация қилиш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича чораларни мувофиқлаштириш, жиноятчилик ва жиноятчилар устидан юрисдикцияни белгилаш, жиноят ишлари бўйича ва жиноятчиларни ушлаб бериш юзасидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш каби муҳим масалаларни ҳал этилади.

Жиноят содир қилган шахсларни экстрадиция қилишни амалга ошириш механизмнинг хусусиятларини таҳлил қилишда ушбу тушунчанинг умумий тавсифи муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, мазкур институт узоқ ривожланиш йўлини босиб ўтганлиги ҳамда жиноят ишлари бўйича қўлланилиши туфайли қонунчиликда ва амалиётда турлича номланишга сабаб бўлган. Экстрадиция тушунчаси борасида турли ҳуқуқшунос ва олимлар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар мавжуд бўлганига қарамасдан, ягона бир тўхтамга келинмаган.

Илмий-назарий адабиётларга мурожаат этсак, ушбу масала юзасидан турлича фикр-мулоҳазалар билдириб ўтганликларининг гувоҳи бўлиш мумкин. Чунончи, Р.А.Сайфулов ушбу масала юзасидан махсус тадқиқот иши олиб бориб «Шахс экстрадицияси – нафақат халқаро ҳуқуқ, балки миллий жиноят-процессуал қонунчилик билан ҳам тартибга солиниши лозим бўлиб, бу ушбу институтнинг ривожланиш тарихи ва тараққиётида ҳам ўз исботини топади. Экстрадиция институти чиқариб юбориш, шахсни «*persona non grata*» деб эълон қилиш, репатриация (юртига қайтариш) ва шахсни топширишдан тубдан фарқ қилади. У халқаро-ҳуқуқий ҳамда жиноят-процессуал тартиб-таомилларни қамраб олади»<sup>1</sup>.

«Экстрадиция» атамаси билан бир қаторда «ушлаб бериш» атамаси ҳам қўлланилишини айтиб ўтиш лозим. Ушбу атамаларнинг ўзаро нисбати тўғрисида иккита асосий нуқтаи назар мавжуд. Айрим муаллифлар ушбу атамаларга синоним сифатида қарайдилар. Масалан, А.И.Сащенконинг таъкидлашича: «Халқаро шартномаларда «экстрадиция» атамаси «ушлаб бериш» атамасининг синоними сифатида ишлатилади. Шу сабабдан, экстрадицияни кенг маънода талқин қилишга асос мавжуд»<sup>2</sup>. А.И.Джигирнинг фикрича, «...доктринал даражада «экстрадиция» ва «ушлаб бериш» атамаларининг синонимлиги аниқ, бундан келиб чиқадики, улар илмий адабиётларда тенг даражада ишлатилиши лозим»<sup>3</sup>. Бундан ташқари, А.С.Гришин<sup>4</sup> ҳам юқоридаги олимларнинг фикрларини қўллаб қувватлайди.

Бошқа тадқиқотчилар экстрадиция ушлаб беришдан ташқари турдош ҳодисаларни ҳам ўз ичига олади деб ҳисоблайдилар (яъни, экстрадицияга кенг маънода қарайдилар)<sup>5</sup>. Экстрадицияга бир марталик ҳаракат эмас, балки бир неча

<sup>1</sup> Сайфулов Р.А. Экстрадиция в уголовном процессе (по материалам МВД и Прокуратуры Республики Узбекистан). Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Ташкент, 2001. - С. 9-10.

<sup>2</sup> Сащенко А.И. Институт экстрадиции в уголовном праве // Юридический журнал. – 2009. – № 2. – С. 91.

<sup>3</sup> Джигирь А.И. Экстрадиция: терминологический аспект // Закон и право. – 2008. – № 6. – С. 108.

<sup>4</sup> Гришин А.С. Организационно-правовой механизм выдачи лиц для уголовного преследования в российском уголовном процессе: дисс. ... к. юрид. н. – Нижний Новгород, 2010. – С.13.

<sup>5</sup> Евсичева Л.Л. Экстрадиция, выдача и передача как институты международного сотрудничества в российском уголовном процессе (сравнительно-правовой аспект) // Человек: преступление и наказание. – 2013. – № 1. – С. 109-113.

процессуал ҳаракатлардан иборат жараён сифатида қарашни Е.В.Климов<sup>6</sup> таклиф қилади.

Айрим тадқиқотларда (В. Э. Грабарь, Шмидт, В.Даневский, Э.Симеон, Ф.Мартенс) жиноятчини ушлаб бериш жиноий жазо шакли сифатида тавсифланган<sup>7</sup>. Бундай ёндашув у шаклланган вақтдан бошлаб ҳақли равишда танқид остига олинган. Зеро, ушлаб беришни давлатларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги ҳамкорлиги шакли сифатида баҳолаш зарур.

А.И.Сащенко «экстрадиция – халқаро ҳуқуқ ва қонунчиликда қайд этилган жараёнга асосан, жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукми ижро этиш учун жиноят-ҳуқуқий юрисдикциясига кирувчи давлат томонидан ҳаракатнинг жиноий-ҳуқуқий баҳолаш («икки томонлама жиноят» ва «жавобгарликнинг минимал муддати») асосланадиган шахсни топшириш жараёни»<sup>8</sup> деб таърифлайди.

Ушбу таъриф билан ҳам тўлиқ қўшилиб бўлмайди, зеро экстрадиция қилиш рад этилиши мумкин. Бу борада, Е.Б.Струк томонидан таклиф қиланаётган таъриф тўғрироқ: «жиноят содир этган шахсларни ушлаб бериш халқаро ҳуқуқ нормалари ва принципларига асосланган, миллий қонунчилик нормалари билан тартибга солинадиган жараён бўлиб, унга кўра, аниқ шахсга нисбатан жиноий қидирув ёки суд ҳукмини ижро этиш ҳуқуқига эга бўлган ва бундан манфаатдор бўлган давлат (ушлаб беришни сўраётган давлат) ушлаб берилиши сўралаётган шахс жойлашган давлатга уни ўз юрисдикциясига беришини сўраб мурожаат қилади, сўралаётган давлат тегишли мурожаатни кўриб чиқиб, сўраётган давлат томонидан барча шартлар бажарилган тақдирда уни қаноатлантиради ёки бунинг учун этарлича асослар мавжуд бўлса қаноатлантиришни рад этади»<sup>9</sup>.

Ф.М.Файзиевнинг фикрича, «жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам алоҳида шартномаларда кўзда тутиладиган, томонлар ўз ҳудудида бўлган жиноят содир қилган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ёки қонуний кучга кирган ҳукми ижро этиш мақсадида бир бирига ушлаб беришидир»<sup>10</sup>. Бундан ташқари, экстрадиция институтини жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдамнинг шаклларида бири сифатида таҳлил қилади<sup>11</sup>.

А.Е.Косареванинг фикрига кўра, ушлаб бериш «жиноят содир этишда айбланаётган шахсни жиноий қидирувни амалга ошириш ҳамда ҳукми ижро этиш мақсадида мажбурий топширишни сўраётган давлат жиноят-процессуал ҳаракатлар ва сўралаётган давлат ваколатли органлар ҳаракатларининг мажмуасидир»<sup>12</sup>.

Бироқ ушбу таъриф камчиликлари мавжуд бўлиб, биринчидан, шахс манфаатларини бузган давлат жиноят содир этилган жой ҳам, фуқаролигидаги давлат

<sup>6</sup> Климов Е.В. Институт выдачи в уголовном процессе: определение понятия и значение // Вестник Владимирского юридического института. – 2010. – № 2. – С. 89-93.

<sup>7</sup> Қаранг: Валеев Р.М. Выдача преступников в современном международном праве: (некоторые вопросы теории и практики). Монография. – Казань: Издательство Казанского университета, 1976. – С. 26.

<sup>8</sup> Сащенко А.И. Институт экстрадиции в уголовном праве // Юридический журнал. – 2009. – № 2. – С. 93.

<sup>9</sup> Струк Ю.Б. Понятие выдачи лиц, совершивших преступление // Известия Российского государственного педагогического университета им. А.И. Герцена. – 2007. – Т. 9. – № 29. – С. 112.

<sup>10</sup> Файзиев Ф.М. Международно-правовое регулирование отношений между государствами по оказанию правовой помощи: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 2007. – С.23.

<sup>11</sup> Ўша жойда. – С.57.

<sup>12</sup> Косарева А.Е. Выдача лица для уголовного преследования или исполнения приговора в российском уголовном судопроизводстве: автореф. дисс. ... к. юрид. н. – СПб., 2005. – С. 8.

ҳам бўлмаслиги мумкин, иккинчидан, жиноят – (айниқса, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар) узоқ масофадан ҳам содир этилиши мумкин. Ҳар иккала ҳолатда ҳам шахсни қайтарилиши тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Шу туфайли, ушлаб беришга «халқаро ва миллий қонунчилик нормалари ва принципларига асосланган халқаро шартнома ёки давлат ваколатли органининг ёзма мажбурияти асосида жиноий жавобгарликка тортиш ёки суднинг қонуний кучга кирган ҳукмини ижро этиш учун жиноят содир этишда айбланаётган шахсни ҳудудида жойлашган давлат томонидан жиноят содир этилган, ёки жиноий ҳаракатдан энг кўп зарар кўрган, шунингдек, фуқаролигида бўлган давлатга топшириш жараёнини, шунингдек, ушлаб беришдан олдинги қидирув, қўлга олиш ва қамоққа олиш жараёнлари» деб берган таърифларини нисбатан тўлиқроқ деб қабул қилишимиз мумкин.

Юқорида келтирилган таърифлар юридик адабиётларда экстрадиция масаласи юзасидан турли хил мулоҳазалар билдирилганлигидан далолат беради.

Шуни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозимки, қонунчиликда жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ушлаб бериш алоҳида бобларга ажратилган<sup>13</sup>. Бундан ташқари, қонун чиқарувчи жиноят ишларида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар билан бир қаторда ушлаб бериш тўғрисидаги махсус шартномаларни ратификация қилишига ҳам эътибор қаратишимиз лозим.

Юқоридаги назарий таҳлиллардан келиб чиқиб, жиноят ишлари бўйича экстрадиция бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1) Экстрадиция жиноят содир этиб бошқа давлат ҳудудида яширинган шахсни бир давлат юрисдикциясидан иккинчи давлат юрисдикциясига фактик топшириш орқали амалга ошириладиган бир марталик жараёндир.

2) Турли мамлакатларда экстрадиция тушунчасини таърифлашда ушлаб бериш, тутиб бериш, топшириш, етказиб бериш каби атамалардан фойдаланилади. Ваҳоланки экстрадиция тушунчасининг унификациясига (бирхиллашувига) эришиш бу борадаги турли ноаниқлик ва чалкашликларга барҳам бериб, уни қўллаш самарадорлигига ижобий таъсир этади. Демак, жиноят ишлари бўйича ушлаб бериш институтининг мазмун-моҳиятини очиб берадиган энг маъқул ҳамда унинг мазмунига мутаносиб тушунча сифатида «экстрадиция» атамасидан фойдаланиш маққсадга мувофиқ.

3) Шахснинг фактик топширилишидан кейин ҳам экстрадицион муносабатлар тўхтамайди. Масалан, ушлаб бериш сўраётган давлат кейинчалик ҳам жиноий қидирув натижалари тўғрисида сўралаётган давлатни хабардор қилиши лозим, ушлаб бериш тўғрисидаги талабномада кўрсатилмаган ҳаракат учун жавобгарликка тортишда ушлаб берган давлатнинг розилиги талаб қилинади.

4) Экстрадиция халқаро конвенция, кшп томонлама ва икки томонлама шартномаларга, миллий қонунчилик нормаларига ёки ўзаролик принципларига асосланган ҳолда жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки унга нисбатан чиқарилган ҳукми ижро этиш мақсадида ушлаб бериш тўғрисидаги талабномага асосан, сўраётган томондан барча шартлар бажарилган тақдирда уни қаноатлантириш ёки бунинг учун етарлича асослар мавжуд бўлмаса қаноатлантиришни рад этиши тўғрисидаги ҳуқуқий муносабатлар мажмуидир.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 64-ва 65- боблари

**References:****Используемая литература:****Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Сайфулов Р.А. Экстрадиция в уголовном процессе (по материалам МВД и Прокуратуры Республики Узбекистан). Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Ташкент, 2001. - С. 9-10.
2. Сащенко А.И. Институт экстрадиции в уголовном праве // Юридический журнал. - 2009. - № 2. - С. 91.
3. Джигирь А.И. Экстрадиция: терминологический аспект // Закон и право. - 2008. - № 6. - С. 108.
4. Гришин А.С. Организационно-правовой механизм выдачи лиц для уголовного преследования в российском уголовном процессе: дисс. ... к. юрид. н. - Нижний Новгород, 2010. - С.13.
5. Евсичева Л.Л. Экстрадиция, выдача и передача как институты международного сотрудничества в российском уголовном процессе (сравнительно-правовой аспект) // Человек: преступление и наказание. - 2013. - № 1. - С. 109-113.
6. Климов Е.В. Институт выдачи в уголовном процессе: определение понятия и значение // Вестник Владимирского юридического института. - 2010. - № 2. - С. 89-93.
7. Қаранг: Валеев Р.М. Выдача преступников в современном международном праве: (некоторые вопросы теории и практики). Монография. - Казань: Издательство Казанского университета, 1976. - С. 26.
8. Сащенко А.И. Институт экстрадиции в уголовном праве // Юридический журнал. - 2009. - № 2. - С. 93.
9. Струк Ю.Б. Понятие выдачи лиц, совершивших преступление // Известия Российского государственного педагогического университета им. А.И. Герцена. - 2007. - Т. 9. - № 29. - С. 112.
10. Файзиев Ф.М. Международно-правовое регулирование отношений между государствами по оказанию правовой помощи: Дисс. ... канд. юрид. наук. - Ташкент, 2007. - С.23.
11. Ўша жойда. - С.57.
12. Косарева А.Е. Выдача лица для уголовного преследования или исполнения приговора в российском уголовном судопроизводстве: автореф. дисс. ... к. юрид. н. - СПб., 2005. - С. 8.
13. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 64-ва 65- боблари.